



# Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2011 йил 12 июль сешанба № 30 (757)

e-mail: info@press-iq.uz

www.minjust.uz

Мустақиллик ва таълим

## Ватанга муносиб ёшлар камол топмоқда

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳаётига бир назар

ИСТИҚЛОЛ йилларида олий таълим соҳасида амалга оширилган туб ислохотлар интеллектуал салоҳияти юксак, ватанпарвар, эл-юртига садоқатли, баркамол авлодни вояга етказишга мустаҳкам замин яратди. Бу эзгу сазой-ҳаракатларнинг ижобий ва юқори самаралари йилдан-йилга намоён бўлмоқда. Бунинг асосий омилларидан бири — Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида эришилган муваффақиятлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

МУСТАҚИЛЛИК йилларида Юртбошимиз Ислам Каримовнинг алоҳида эътибори ва сазой-ҳаракатлари билан бу ўқув даргоҳи чинакам қад ростлади. Бунинг учун тарихий ҳужжат мисолида кўриш мумкин. Биринчиси, Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 14 сентябрдаги давлатимиз раҳбари имзолаган “Тошкент Давлат университетида Мирзо Улугбек номи бериш тўғрисида”ги қарорига биноан Тошкент Давлат университетида Шарқнинг буюк олими ва мутафаккири Мирзо Улугбек (Муҳаммад Тарағай Улугбек) номи берилган.

Иккинчиси, Президентимизнинг 2000 йил 28 январь куни қабул қилинган “Тошкент Давлат университетида “Ўзбекистон Миллий университети” мақомини бериш тўғрисида”ги Фармонидир. Унга биноан ўқув масканимиз — Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, деб номланди. Мазкур Фармонда, Ватан ва миллат тараққиёти йўлида фидойилик кўрсатган жадид зиёлиларимизнинг буюк хизматларини эътироф этиш, тарихий ҳақиқатни тиклаш, ёшлар қалбига истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини тарбиялаш, умуминсоний ва миллий илм-фан қадриятларини авлодлар онига теран сингдириш, Тошкент Давлат университетида азалий юксак макени ўз жойига қўйиш, Қадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Учинчиси, Президентимизнинг 2008 йил 9 апрелдаги “Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги Қароридир. Шу билан бир қаторда Юртбошимизнинг 2008 йил 27 сентябрь куни “Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг профессор-ўқитувчилари ва талабаларига, бутун жамоасига” йўллаган табрик хати ўқув даргоҳимизга бўлган алоҳида эътиром рамзи бўлди.

Айтиш жоизки, узок йиллик тарихга эга мазкур олий ўқув даргоҳи 1918 йил 12 майда ташкил этилган бўлиб, у қатор йиллар турли номлар билан номланган.

Кейинги йилларда бу масканда бугунги тараққиётимиз учун устувор аҳамиятга эга бўлган биоинформатика, генетика, ахборот-коммуникация технологиялари, компьютер лингвистикаси, экология, социология, сиёсатшунослик каби бир қанча янги йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилган университетнинг салоҳияти ва имкониятлари тобора юксалиб бораётганини кўрсатади.

Таъбир жоиз бўлса, биз учун шарафли ҳол шуки, Юртбошимиз ўтган йиллар давомида бир неча бор “Ёшлик” талабалар шаҳарчасига ташриф буюриб, талабалар ва мураббийлар билан юзма-юз мулоқотлар ўтказди. Мана шу улугвор сазой-ҳаракатлар самарасини эса шу давр мобайнида “Ёшлик” талабалар шаҳарчасида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари мисолида ҳам кўриш мумкин.



— ТЕЗКОР ВА ШИДДАТ билан ўзгариб бораётган давр ҳар биримизнинг олдимизга янги талаб ва вазифаларни қўймоқда. Касаба уюшмалари фаолиятида давр талаби асосидаги янгиланиш жараёнларини нималарда кўрамиз?

— МАМЛАКАТИМИЗДА энг йирик жамоат ташкилотини ҳисобланган касаба уюшмалари меҳнат ахли, айниқса, ёшлар ва аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, миллий эълиқни англаш, юксак маънавиятни шакллантиришда фуқаролик жамиятининг асосий кучларидан биридир. Чунки, касаба уюшмалари жамоатчилигининг, айниқса, меҳнат жамоаларининг манфаатларини ҳимоялаш, улар кайфияти, қарашлари,

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги олдида

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ:

## Юртдошларимиз манфаатига ва фаровонлигига хизмат қилмоқда

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила НАРБАЕВА билан суҳбат

нуктаи назарларини шакллантиришда муҳим ўрин тутди.

Шу маънода Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Мустақиллигимизнинг 20 йиллик кутлуг айёми нишонланадиган йилда 7 миллионга яқин аъзони ўз атрофида бирлаштирган мазкур жамоат ташкилотини фаолиятига янги ҳаёт бағишлаган ҳолда тизимли тақомиллашув ишлари амалга оширилмоқда. Президентимиз томонидан Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида тақдим қилинган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”даги устувор йўналишлар асосида республика касаба уюшмалари олдида турган энг устувор вазифалар белгилаб олинди.

Миннатдорчилик мактуби

## Қисқа фурсатда аниқ ва тўлиқ

жавоб олдик

Ассалому алайкум, ҳурматли таҳририят ходимлари! 2011 йил 28 февралда кўпчилик маҳалладошларимизни қизиқтираётган, ижтимоий таъминот соҳасига доир бир неча саволлар билан “Инсон ва қонун” газетасига мурожаат қилган эдик. Саволларимизга қисқа фурсатда, аниқ ва тўлиқ жавоблар олдик. Бунинг учун сизлардан салимий миннатдоримиз.

Юртимиз ривожига муносиб ҳисса қўшишдек эзгу ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Ҳурмат билан, Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани Т.Шоиров СФУ “Ўзбекистон” маҳалласи фуқаролари номидан Урол ЭРНАЗАРОВ

Диққат: “Очиқ эшиклар” куни

## Ҳурматли тадбиркорлар!

АДЛИЯ ОРГАНЛАРИ томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мавжуд муаммолари масалаларини ўрганиш, уларга амалий ёрдамлар кўрсатиш, шунингдек, уларнинг тақлиф ва мулоҳозаларини қабул қилиш мақсадида қуйидаги жадвал асосида “Очиқ эшиклар куни” тадбирлари ўтказилмоқда. Ушбу тадбирга келган тадбиркорлар ҳудудий адлия органлари раҳбарлари томонидан қабул қилиниб, уларнинг мурожаатлари алоҳида назоратга олинган ҳолда ижросини таъминлаш чоралари кўрилади.


| №  | Ҳудудлар номи                | “Очиқ эшиклар куни” ўтказиладиган сана ва вақти | Тадбир ўтказиладиган жой                |
|----|------------------------------|-------------------------------------------------|-----------------------------------------|
| 1  | Қорақалпоғистон Республикаси | 29.07.2011 йил соат 10.00 дан 13.00 гача        | Кегейли тумани ҳокимлиги биносиди       |
| 2  | Андижон вилояти              | 29.07.2011 йил соат 10.00 дан 13.00 гача        | Қўрғонтепа тумани ҳокимлиги биносиди    |
| 3  | Бухоро вилояти               | 29.07.2011 йил соат 10.00 дан 13.00 гача        | Коровулбозор тумани ҳокимлиги биносиди  |
| 4  | Жиззах вилояти               | 16.07.2011 йил соат 10.00 дан 13.00 гача        | Зарбдор тумани ҳокимлиги биносиди       |
| 5  | Сурхондарё вилояти           | 23.07.2011 йил соат 10.00 дан 13.00 гача        | Муборак тумани ҳокимлиги биносиди       |
| 6  | Навоий вилояти               | 23.07.2011 йил соат 10.00 дан 13.00 гача        | Навоий шаҳар ҳокимлиги биносиди         |
| 7  | Наманган вилояти             | 20.07.2011 йил соат 10.00 дан 13.00 гача        | Поп тумани ҳокимлиги биносиди           |
| 8  | Самарқанд вилояти            | 23.07.2011 йил соат 10.00 дан 13.00 гача        | Пайариқ тумани Тиббиёт коллежи биносиди |
| 9  | Сирдарё вилояти              | 14.07.2011 йил соат 10.00 дан 13.00 гача        | Сардоба тумани ҳокимлиги биносиди       |
| 10 | Сурхондарё вилояти           | 23.07.2011 йил соат 10.00 дан 13.00 гача        | Шўрчи тумани ҳокимлиги биносиди         |
| 11 | Фарғона вилояти              | 15.07.2011 йил соат 10.00 дан 13.00 гача        | Данғара тумани ҳокимлиги биносиди       |
| 12 | Тошкент вилояти              | 22.07.2011 йил соат 10.00 дан 13.00 гача        | Қўйичирчиқ тумани ҳокимлиги биносиди    |
| 13 | Хоразм вилояти               | 22.07.2011 йил соат 10.00 дан 13.00 гача        | Гурлан тумани ҳокимлиги биносиди        |
| 14 | Тошкент шаҳар                | 29.07.2011 йил соат 10.00 дан 13.00 гача        | Бектемир тумани ҳокимлиги биносиди      |

Юртимиз

дунё нигоҳида

Ўзбекистоннинг ютуқлари, юқори иқтисодий ўсиш ва барқарор ривожланишидан қувонмоқдамиз

— Мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги тобора яқинлашмоқда. Барча ўзбекистонликларнинг кутлуг байрами арафасида юртимиз ҳақида қандай фикрлар айта оласиз? Байрам олдида халқимизга қандай тилаклар билдирасиз?



Ёсихиса КУРОДА,

Япониянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси

— ЯПОНИЯ ҲУКУМАТИ номидан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан Республика аҳолисини чин юракдан таъриқлашга ижозат бергайсизлар. Дўстона мамлакат сифатида сизлар билан бундай улуг байрамнингизни биргаликда баҳам кўриш истагидамиз ва бу ўринда сиз каби 20 йил давомида эришилган улкан ютуқларингиз, юқори иқтисодий ўсиш ва барқарор ривожланишингиздан қувонмоқдамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йилда Японияга ташрифи асосида имзоланган “Япония ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма Декларация” асосида икки томонлама муносабатлар изчил ривожланишига янада юқори аҳамият қаратилди. Президент Ислам Каримовнинг 2011 йил февралдаги Японияга ташрифи доирасидаги қўшма баённота таъкидланганидек, турли соҳаларда ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва алмашувларни кенгайтириш орқали икки томонлама муносабатлар янада юқори поғонага кўтарилади.

Мамлакатингиз мустақилликка эришгандан сўнг Япония бозор иқтисодиётининг асоси бўлган ҳуқуқий тизимни тақомиллаштириш соҳасида қўмақлашишга катта эътибор бермоқда ҳамда мутахассисларни юбориш ва амалиётчиларни қабул қилиш орқали техник ҳамкорлик борасидаги дастурлар амалга оширилмоқда.

2005 йилдан 2007 йил охиригача бўлган даврда Япония Ўзбекистон билан техник ҳамкорлик лойиҳаси доирасида ўзбек ва рус тилларида чоп этилган “Ўзбекистон Республикаси “Банкротлик тўғрисида”ги қонунига китоб-шарҳ” номли лойиҳасини амалга оширди. Шунингдек, 2005-2008 йилларда техник қўмак борасида ҳам, жумладан, фуқаролик ва маъмурий ҳуқуқни тегишли равишда қўллаш мақсадида Адлия вазирлиги маълумотлар ҳуқуқий базасини тақомиллаштиришга оид ишлар амалга оширилди. Бундан ташқари, хусусий секторни жадаллаштириш мақсадида маъмурий процедуралар ҳақидаги қонунни тақомиллаштириш бўйича ҳам ҳамкорликни давом эттирмоқдамиз.

Тошкент давлат юридик институти, Нағоя университети ва Миз университети юристлари тайёрлаш бўйича биргаликда иш олиб бордилар ва биз мамнуният билан шуни эътироф этамизки, бизнинг бу йўналишдаги ҳамкорлигимиз мамлакатингиз ҳуқуқий тизимини тақомиллаштиришга ўзига хос қўмак бўлди.

Фурсатдан фойдаланиб, қўшимча сифатида таъкидламоқчиманки, 2012 йилда, яъни Япония ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганлигининг 20 йиллиги муносабати билан ҳамда икки мамлакат халқлари ўртасида ўзаро дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида томонлар келгусида ҳам муносабатларни турли жаҳалларда ривожлантириш тарафдоридир. Умид қиламанки, бундай имкониятлар натижасида икки томонлама муносабатларимиз янада раванқ топиб, самарали бўлади.

“Инсон ва қонун” газетаси муҳбири Дилфуза ЭРҒАШЕВА ёзиб олди.







|                                                                                                                                       |  |                                                                                                                           |  |                                                                                                                                             |  |                                                                       |  |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                          |  |                                                                                                                                                            |  |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--|-----------------------------------------------------------------------|--|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--|
| <b>ИНСОН ва ҚОНУН</b><br>МҲАССАС: 100047, Тошкент ш.<br>РЕСПУБЛИКАСИ<br>АДИБИ ВАЗИРЛИГИ<br>1996 йилининг январьдан<br>нинг эътибордан |  | <b>Баш</b><br><b>муҳаррир:</b><br>Қўқор<br>НОРҚОБИЛ                                                                       |  | <b>ТАХРИР ХАЙЪАТИ:</b><br>Хидоят Файрат Ботирович<br>Муштафев Буритон Муштафев<br>Ражабова Мавжуда Абдулалеевна<br>Очялов Алижон Муҳсинович |  | Навбатчи:<br>Ёрбек<br>ИСКАНДАРОВА<br>Сахифаловчи:<br>Тўлқун<br>РАҲПОВ |  | <b>Индекс: 646882</b><br>«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида<br>тартибли ва сифатли. А-2 бичида, 4 босма таҳдид, офсет<br>усулида «Ўзбекистон» нашриёт матбаа иқидий уйда чот этилди.<br>Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий қўчаси 30-й.<br>Бюроети 1-2231. Тиражи — 14917.<br>Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 19.00 |  | <b>МАНЗИЛИМИЗ:</b><br>100047, Тошкент ш.<br>Соғинавқў, қўчаси 5.<br>Тел: 233-95-31.<br>Факс: 233-84-50<br>e-mail: info@press-uz.net<br>Сотуда эркин нархда |  |
| 2007 йил 3 январда<br>Ўзбекистон<br>Матбуот ва Адиорат<br>саноатида<br>0081 тарқатиш босиш<br>рўйхатида олганин                       |  | 1234 5678-7897<br><br>9 77203103974008 |  | Раҳмонов Абдуқамол Шодиевич<br>Сулононов Алимқул Тўқибоевич<br>Тўраев Тўра Эргашевич<br>Саидов Шоқир Камолович                              |  | 1<br>2<br>3<br>4<br>5                                                 |  | 1<br>2<br>3<br>4<br>5                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                    |  |                                                                                                                                                            |  |